

ИШСИЗ ФУҚАРОЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Эрметова Ирода Зиядилла қизи

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ишсиз фуқароларни замонавий касбларга ўқитиш орқали камбағалликни қисқартириш чораларини кўриш бугунги кунда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тизимидаги долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Шу боис тадқиқот давомида мавзу доирасида атрофлича тадқиқот иши олиб бордик.

Шунингдек, ҳорижий мамлакатлардаги ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича тажрибалар билан ҳам атрофлича танишиб чиқдик. Ўрганилган маълумотлар ва таҳлиллар асосида ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш ва камбағалликни қисқартириш чоралари юзасидан илмий ва амалий асосланган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдик.

Юртимизда олиб борилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар республикамизнинг ҳар бир ҳудудида ўзининг кўзга кўринарли ижобий самарасини бермоқда. Аммо шуни ачиниш билан айтиш лозимки, мамлакатда ишсизлик даражасининг мавжудлиги, агар иқтисодиётга давлатнинг аралашуви камайтирилса, бугунги кунда, у янада ортиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳукуматнинг ҳудудий даражадаги ишсизликни камайтириш ва бандлик сиёсати ҳам стратегик ва ҳам тактик мақсадларни ўз ичига олиши керак. Чунки, ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий вазият ҳар хил бўлади ва ушбу нуқтаи назардан, уларнинг ҳар бирига мос бандлик ва янги иш ўринларини яратиш бўйича чора-тадбирлар қўллаш керак. Бунинг учун албатта ҳудудлардаги бошқарув органларининг ушбу соҳага янада кўпроқ эътибор бериши таъминлашлари керак.

Таъкидлаш лозимки, ишсизларни янги, иқтисодиётда талаб қилинаётган касбларга ўргатиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ўтказилган қатор сотсиологик сўровлар натижаларига кўра, ишсизларнинг 50 фоизидан кўпроғи меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун миллий иқтисодиётда аҳамиятли бўлган касблар бўйича тайёргарликка эга эмас ва улар ушбу билимларни турли даражадаги

қўшимча таълим дастурларини ўзлаштириш жараёнида эгаллаш зарур, деб ҳисоблайди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ички ва ташқи товар бозорларида рақобатнинг кескинлашуви билан боғлиқ қатор янги тенденциялар, меҳнат бозорларидаги муаммолар (ишсизлик, миграция) келиб чиқмоқда. Ҳозирги иқтисодий вазиятда таълим сифатига нисбатан ёндашувларни тубдан ўзгартириш, энг юқори самара берувчи ресурслардан фойдаланишга томон кескин бурилиш янги давраларга жавоб бўлмоқда.

Ишсизларни касбга тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим хизматларини кенгайтириш зарурати янги иш ўринлари яратилиши, ҳамда янги турдаги таълим хизматларини талаб қилувчи аҳоли ўсиши билан ҳам боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси ишсизларни касбга тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг долзарблигини белгилайди.

Ишсизлик қандай кўринишларда намоён бўлади? Одатда, ишсизлик яширин ва ошқора ишсизлик сифатида намоён бўлади. Ишлашни хоҳласалар-да, иш жойлари шу даражада чекланганки, иш қидириш бефойда, деб ҳисобловчи шахслар борки, бу яширин ишсизликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу кишилар иш қидирмаганлари учун улар давлат статистикасида ишсиз сифатида рўйхатга олинмаган. Ишлаб чиқариш инқирозга учраганига қарамай, давлат корхоналари ўз ишчилари иш жойларини сақлаб қолишга ҳаракат қилса ҳам яширин ишсизлик вужудга келади. Бунда ишчилар шу корхонани ишчилари бўлиб ҳисобланаверадилар-у, лекин улар мажбурий ҳолатда қисқартирилган иш кунини ишлайдилар ёки ҳақ тўланмаган меҳнат таътилига кетадилар. Ишсизликнинг яширин кўринишида бўлишининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- давлат томонидан баъзи бир зарар кўриб ишловчи тармоқлар ва ишлаб чиқарувчиларни молиявий таъминлаш;

- банкрот бўлган корхоналарга дотациялар ажратиш;

- баъзи мамлакатларда ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган корхоналар бўлгани ҳолда, уларни қисқартиришга ундовчи солиқ тизими такомиллашмаган ҳолларда;

- мулкнинг яқка ҳуқуқдорлиги бўлган ҳолатларда.

Бозор иқтисодиёти даврида яширин ишсизлик ва ишчи кучининг ортиқчалигини узоқ вақт мобайнида сақлаб туришга йўл қўйиб бўлмайди. Талабнинг қисқариши, кредитлар олишнинг чегараланганлиги, солиқ тизимини такомиллаштириб бориш ва бошқа

сабаблар охир-оқибат ишчиларни бўшатишга мажбур қилади, бу эса ошкора ишсизликка олиб келади.

Олиб борилган тадқиқот амалий маълумотлар асосида олиб борилганлиги ва энг самарали таҳлил усулларида фойдаланиб амалга оширилганлиги, олинган натижаларимизни амалиётга тегишли эканлиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти юқорилигидан далолат беради.

Хулоса;

Бу таҳлилар асосида ишсиз фуқароларни замонавий касбларга ўқитиш асосида камбағалликни қисқартириш бўйича назарий ва амалий таклиф, ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Тадқиқот ишимизни нафақат назарий-илмий, балки эмпирик ва амалий таҳлил ҳамда натижалар, асосланган таклиф-тавсиялар, хулосалар билан бойитиш орқали мавзу доирасида фан ва билимнинг ошишига ўз хиссамизни қўшишга ҳаракат қилдик.